

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**341 Бензин, дизел ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2254

(2011 йил 26 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда) 12-1-сонли иловасига мувофиқ **буюраман:**

1. Бензин, дизел ёқилғиси ва авиакеросин учун қатъий минимал миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Аи-80 маркали бензинга — камида 321 430 сўм/тоннага;

Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркали бензинга — камида 353 430 сўм/тоннага;

Аи-95 маркали бензинга — камида 408 890 сўм/тоннага;

ЭКО дизел ёқилғисига — камида 284 250 сўм/тоннага;

дизел ёқилғисига — камида 273 400 сўм/тоннага;

авиакеросинга — камида 50 580 сўм/тоннага.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 10 август
50-сон